



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 28 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 40 (10.597)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Кеча сатрларда

● **КЕЧА** "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицей ҳамкорликларида "Маънавият" нашриёти томонидан chop этилган "Президентга мактублар" китобининг тақдими уюштирилди.

● **КЕЧА** Информатика касб-хунар коллежида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида "Аҳоли саломатлигини асраш — муҳим масала" мавзuida ташкил этилган тадбир Хомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **КЕЧА** Республика Байналмилал маданият марказида талабалар иштирокида ўтказилган "Нотиклик санъати" кўрик-танлови Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети чет тиллар факультети ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан "ЭКОСАН" халқаро ташкилотининг кўрпа-тўшак филофлари, зарарсизлантирувчи моддалар, тиббий жиҳозлар ортлган Саломатлик поезди Тошкент шаҳридан Чиноз туманига йўл олди.

● **"МАҲАЛЛА"** жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Собир Раҳимов туманидаги "Намуна" маҳалласида фаоллар, ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир "Оила фаровонлиги — миллат фаровонлиги. Соғлом фарзанд — келажак таянчи" деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент туризм коллежида "Юнусобод", "Иттифок", "Чоштепа", "Янгибод", "Нодирабегим, Увайсий маҳаллаларининг намунали кизлари иштирокида "Камолот" ЁИХ. Юнусобод туман бўлими Кенгаши ҳамда "Маҳалла умидлари" маркази ҳамкорликларида ташкил этилган "Маҳалланинг намунали кизи" кўрик-танлови ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING УКРАИНАДАГИ ФАВКУЛОДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИРАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-
нинг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Илхом Уткурович Хайдаров Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавкулда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 февраль.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВКУЛОДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИРАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-
нинг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ойбек Орифбекович Усмонов Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислам Республикасидаги Фавкулда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 февраль.

НАФИС ИПАК МАТОЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН
ТУРЛИ ЛИБОСЛАРУ ХИЛМА-ХИЛ
МАҲСУЛОТЛАР ҲАМДА АЖИБ ЖИЛОСИ
БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. АНА ШУНДАЙ
МАТОЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИгини ВА
ХАРИДОРГИРЛИгини ОШИРИШДА ЭСА
ИПАННИНГ СИФАТИ КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ
ЭТАДИ.

ЮЗ ФОИЗ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Ниа Ю" масъулияти чекланган жамиятида пилла хом ашёсидан техника ва технологиялар асосида тайёрланаётган ана шундай ипак маҳсулоти жаҳон андозалари даражасидаги товарлар ишлаб чиқаришда қўл келади. Шу боис ҳам ташкил этилган ҳали ярим йил ҳам тўлмаган корхонанинг рақобатбардош маҳсулотлари Хиндистон, Хитой ва Европанинг қатор давлатлари-га экспорт қилинмоқда.

— Корхонамиз тадбиркорлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 100 фоизини хорижий давлатларга экспорт қилиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилишган, — дейди директор Бахтиёр Муртозаев. — Шунинг баробарида аҳолини, айниқса хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида ҳисса қўшамиз. Ҳозирги

пайтда корхонамизда 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, йил охиригача яна 200 нафар фуқарога қўшимча ишчи ўринлари яратамиз. Республикамиз Президентини 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазиirlар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган бандлик масаласини ҳал этишни энг муҳим устувор вазифалар қаторида таъкидлашди. Биз ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида қўшимча ишчи ўринлари яратар эканмиз, аҳоли турмуш даражаси юксалишига ҳисса қўшишни ният қилганмиз.

Жорий йилда корхона аҳли

100 тонна ипак иги маҳсулотини экспорт қилишни кўзда тутган. Бунинг учун эса Хитойдан ипак курти уруғи олиб келиб парваришланади. Вилоятлардаги пилла бирлашмалари билан ҳамкорликда иш юритилиб, ана шу ипак курти пилла хом ашёсини тайёрлаш учун аҳолига тарқатилади. Ипак куртини парваришлаш асосида етиштирилган сифатли пилла эса корхона цехларидаги энг замонавий Хитой ускуна ва дастгоҳлари асосида малакали мутахассислар томонидан қайта ишланиб, тайёр ипак иплари буюртмачиларга етказиб берилди.

Ҳозирда ушбу корхона республикада ягона ҳисоблана-

Бозор ва харидор



ди. Сифатга қаратилаётган юксак эътибор эса уларнинг хориж бозориди ўз ўринларини топишида, буюртмаларнинг ортиб, экспорт ҳажми кўпайишида катта аҳамият касб этади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: Ойгул Маматкулова замонавий линияларни мохирлик билан бошқармоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

25 ФЕВРАЛДА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ЎЗ ИШНИ ЯҚУНЛАДИ.

Мажлисининг иккинчи кунини давомиди юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги "Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш — фаолиятимиз мезонини бўлиш даркор" нутқидан келиб чиқадиган ҳулосалар асосида Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари фаолияти самардорлигини ошириш бўйича вазифалар белгиланган қарор қабул қилди.

Кун тартибига мувофиқ кредит уюшмалари фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш, кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензиялар бериш жараёнини соддалаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилинди. Батафсил қўриб чиқилгач, ушбу қонун маъқулланди.

Сенаторлар, шунингдек, "Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сонини қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини муҳокама қилди. Батафсил қўриб чиқилгач, ушбу қонун маъқулланди.

Сенаторлар, шунингдек, "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилди. Батафсил қўриб чиқилгач, ушбу қонун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган

рухсат бериш тартиб-таомиллари сонини қисқартириш ва соддалаштириш кўзда тутилган бўлиб, бу ҳол тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бунда, хусусан, шу нарса белгиланмоқдаки, қонунчиликда кўзда тутилган фаолият турларига лицензиялар камида 5 йил муддатга берилади.

"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам парламентнинг юқори палатаси томонидан маъқулланди. Ушбу ҳужжатда давлат корхоналари ва мулкнинг айрим турларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича чекловлар белгиланган.

Сенаторлар "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқиб, унда изчиллик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан уйғунлиқ етишмаслиги тўғрисида қайтардилар.

Юқори палата аъзолари "Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқиб, маъқулладилар. Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларини сифат жиҳатидан янги, иттифоқчилик даражасида чуқурлаштиришнинг асосий тамойиллар ва устувор йўналишларини белгилаб берадиган дастурийлашма ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Узоқ истиқболга мўлжалланган маъмурият шартнома Ўзбекистон — Россия муносабатларини ҳар икки давлатнинг тўз манфаатларига тўла мос келадиган янги мазмун билан бойитишга қўмаклашади, шунингдек, миллий, минтақавий, халқаро хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш ҳамда мустақамлаш ишига хизмат қилади.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва "Евроосиё

иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини маъқулланди. Ушбу масала бўйича сўзга чиққан сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши мамлакатимизнинг миллий манфаатларига мос эканлиги, шунингдек, Ўзбекистоннинг ривожланиб бораётган жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимига янада интеграциялашувига, умумий бозорни яратиш масалаларини ҳал этишга, минтақада кооперация алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида"ги ҳамда "ГҲУОМ иштирокида давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Конвенцияни денонсация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қўриб чиқилди ва маъқулланди.

Сенатнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг /Омбудсманнинг/ 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Парламентнинг юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсияларини қўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Украина, Покистон Ислам Республикасидаги Фавкулда ва Мухтор Элчиларини тайинладилар, Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидидаги Фавкулда ва Мухтор Элчисини лавозимидан озод қилдилар.

Мажлисида Сенат ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида мамлакатда амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган жами 23 та масала, шу жумладан, 15 та қонун қўриб чиқилди.

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида харидларни амалга ошириш механизми ва бу борадаги тартиб-қоидаларни халқаро молия муассасаларининг андозаларига уйғунлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, банклар ҳамда молиявий ташкилотлар вакиллари, экспертлар иштирок этди.

● Навоий шаҳридаги "Истиклол", "Янги-арик" маҳалла фуқаролар йиғини, "Нуроний" жамғармасининг Навоий шаҳар ва Кармана шаҳар бўлимлари ташаббуси билан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини, Наврўз байрамлари арафасида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш, экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида вилоят миқёсида Умумхалқ ҳашари ўтказилди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Тошкент шаҳри ва вилоти ҳамда Сирдарё вилоятининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, ибратли оила соҳибалари, хотин-қизлар кенгаши раисларидан бир гуруҳи Самарқанд шаҳрига саёҳат қилдилар.

● Ички ишлар вазирлигига қарашли Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабиди "Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва категорияли объектларнинг барқарор ишлашида асосий омиллардан биридир" мавзuida илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар ўта муҳим иншоотларда ёнгин қикқанда уни бартараф этишда қандай ҳаракат қилиш, тилсиз ёвни даф этишда замонавий асбоб-ускуналардан қандай фойдаланиш борасида батафсил тўхталдилар.

● Наманган вилотида ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, халқ таълими, касб-хунар ва соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари, шаҳар, туманлар ҳокимлари, ички ишлар бўлимлари раҳбарлари, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ЁИХ ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилиш милиция таянч пунктларининг фаолиятига бағишланди.

● "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси жорий йилда "Самарқанд-Симферополь" ва "Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Урганч" йўналишлари бўйича янги қатновларни йўлга қўйди.

● Навоий шаҳрида "Ардус" қўшма корхонасига қарашли супермаркет ишга тушди. Янги савдо маркази пештахталари Навоий кон-металлургия комбинатининг "Дўстлик" агрофирмаси, "Агама" трикотаж фирмаси, Навоий машинасозлик заводи, Зарафшондаги "Заргарлик буюмлари" фабрикаси, "Поток" артели ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқрилган маҳсулотлар билан тўлдирилди.

● Бухоро вилотида "Маҳалла" жамғармаси томонидан Рометан туманида яшовчи биринчи гуруҳ ногиронларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Италиянинг Турин шаҳридаги 20 минг кишилик стадионда улкан ва рангбаранг шоу намоиши билан навбатдаги қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

● Франция ҳукумати Сурия разведкасининг собиқ ходими Зухейра Мухаммад Асидикини Ливанга қайтаришни рад этди. У Ливаннинг собиқ бош вазири Рафик Харирийга уюштирилган суиқасдда гумон қилинмоқда.

● Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос агар ХАМАС томонидан ўзига нисбатан босим ўтказиладиган бўлса, истеъфога чиқishi мумкинлигини билдирди.

● Москвадаги Басман бозори томи кулаб тушиши оқибатида ҳалок бўлганлар оиласига 100 минг, жароҳатланганларга эса 50 минг рублдан бериладиган бўлди. Шаҳар суди бозорнинг амалдаги директори Марк Мишиевни қамоққа олиш тўғрисида санкция берди. У савдо масканида хавфсизлик қондаларига риоя қилмаганлигида ва ўз вақтида ҳудуддаги биноларни таъмирлашга эътибор қаратмаганлигида айбланмоқда.

● Индонезиянинг Сулавеси ороли яқинида йўловчи паром ҳалокатга учради. Унинг бортидаги 200 нафар йўловчининг тақдир ҳозирча номаълум. Қутқарувчилар очик денгизда бирор бир тирик жоннинг топилмаётганини маълум қилишган.

● Афғонистоннинг Пул-и-Чархи қамқохонасида 2 мингдан зиёд маҳбуслар тартибсизликларни содир этишди. Расмий маълумотларга кўра тартибсизликлар натижасида 7 нафар маҳбус ҳалок бўлган, 40 га яқини тан жароҳати олган. Жанжал кўтарганларнинг аксариятини "Ал-Қоида" ва "Толибон" ҳаракати аъзолари ташкил этади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 1 март кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайдди. Шаҳардан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-6, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади.

